

SUMMARY

The aim of investigation was to determine genotypes of local strains *H. pylori* by immunoblotting analysis in population of Uzbekistan. Overall 350 patients with peptic ulcer of the stomach and duodenum were investigated. The genotype-specific antigens (ureB, flaB, cagA, vacA) were determined directly in proteins lysates obtained from coprology samples of each patient. The proteins of lysates were separated in 10% PAAG and blotted into membrane. Obtained membranes have been incubated with specific antibodies to ureB, flaB, cagA, vacA antigens of *H. pylori*. As results 272 cases of peptic ulcer by Uzbekistan patients were associated with *H. pylori* infection. The frequency of occurrence of *H. pylori* antigens in the local strains were various. The strains with I genotypes of *H. pylori* have been revealed in 5,5 % (cagA - 2,6%; vacA - 2,9 %), but strains with II genotypes have been observed in 94,5% (flaB-35,6%; ureB -58,9 %).

ЎЗБЕКИСТОНДА ВИЧ ИНФЕКЦИЯСИГА ҚАРШИ КУРАШ

Аскарова Р.И., Шарафиддинова Г.Р.

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали

Мавзунинг долзарблиги: Ўзбекистонда аҳолининг санитар-эпидемиологик осойишталикни таъминлаш — мамлакат соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилишнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланган. Юқумли касалликларнинг, айниқса ОИВ(ВИЧ) инфекциясини профилактика қилиш, аниқланган беморларга тиббий хизмат кўрсатиш натижасида тажриба тўпланган.

Мақсади: Ўзбекистонда ўта хавфли ОИВ(ВИЧ) инфекциясига қарши кураш тадбирларининг амалга оширилиши жараёнларини таҳлил қилиш.

Қўлланилган тадқиқот усуллари: даврийлик, статистик ва қиёсий таҳлил, анализ ва синтез.

Калит сўзлар: ОИВ(ВИЧ), инфекция, профилактика, эмлаш, тарғибот, ташвиқот, лаборатория,

Борьба против ВИЧ инфекций в Узбекистане.

Аскарова Р.И., Шарафиддинова Г.Р.

Ургенчский филиал ТМА

Актуальность темы: В обеспечении санитарно-эпидемического благополучия страны — одно из приоритетных направления в реформировании здравоохранения Узбекистана. Для предупреждения возникновения опасных инфекционных заболеваний, в особенности ВИЧ/СПИД, проводится профилактические мероприятия и активная пропаганда здорового образа жизни.

Цель: Изучение эффективности проводимых мероприятий по предупреждению ВИЧ СПИД инфекций.

Методы исследования: хронологические, статистические, сравнительный анализ и синтез, сопоставление и т. д.

Ключевые слова: ОИВ(ВИЧ), профилактика, иммунизация, лаборатория, вирусные инфекции, пропаганда медицинских знаний и здорового образа жизни.

The Subject: Fight against dangerous OIV(VICH) infection in Uzbekistan.

Urgency of the subject: In provision sanitary-epidemic welfare of the country? one of the priority directions in реформировании public healths Uzbekistan. For warning the arising the

dangerous infectious diseases, especially OIV(VICH), is conducted preventive action and active propaganda sound lifestyle.

The Purpose: Study efficiency conducted action on propaganda of OIV(VICH), infection.

The Purpose: Study efficiency conducted sanitary-epidemiological measures on ensuring the welfare of the population.

Keywords: OIV(VICH), preventive maintenance, immunization, laboratory, viral infections, propaganda of the medical knowledges and sound lifestyle.

* * *

1993 йилда барча давлат санитария-эпидемиология назорати марказларида (ДСЭНМ) “Аҳоли саломатлиги ва экология” бўлимлари ташкил этилиб, уларни компьютерлаштириш ва махсус лаборатория билан жиҳозлари билан таъминлаш яқунланди. Амалга оширилаётган тадбирлар санитар-экологик вазиятни барқарорлаштириш ва аҳолининг юқумли касалликлар билан оғришини бироз пасайтирди.

XX аср охирларида янги ва энг хавфли юқумли касалликлардан бири — СПИД пайдо бўлди. Унга қарши совет тузими даврида ҳам зарур тадбирлар амалга оширилганига қарамадан, касалликдан сақланиш кафолатли тўлиқ таъминланмаганди. 2008 йил 26 декабрда Президент “Ўзбекистон Республикасида ОИВ(ВИЧ) инфекциясининг тарқалишига қарши курашнинг самарасини оширишга қаратилган қўшимча тадбирлар тўғрисида” қарорга имзо чекди. Ушбу ҳужжатлар асосида 2009-2011 йилларга мўлжалланган ВИЧ-инфекциясини профилактика қилишнинг Миллий режаси ишлаб чиқилди.

Тошкентда 60 ўринлик махсус клиникаси бўлган Республика СПИД маркази ташкил қилинди. Пойтахтнинг Чилонзор туманида жойлашган ушбу шифохонада иммунтанқислиги вирусини юқтирган касалларни аниқлаш ва даволаш учун зарур барча имкониятлар яратилганди. Клиникада юқумли касалларни даволовчи врачлар билан бирга уролог, невропотолог, дерматолог, кардиолог каби мутахассислар ишлардилар. Беморларга барча тиббий хизматлар бепул амалга оширилди. Мурожаат қилаётганларнинг исми-шарифи ва ижтимоий аҳволи сир тутилиши натижасида кўплаб беморларни аниқлаш ва профилактик тадбирларни амалга ошириш жараёнлари кенгайиб борди.

2010 йилда Тошкентда ОИВ(ВИЧ) инфекциясини профилактика қилиш, замонавий ташхис қўйиш ва даволаш масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказилди. Унда Республика соғлиқни сақлаш вазири А.И. Икрамов, СПИДга қарши кураш маркази директори Н. Отабеков ва бошқалар изчил амалга оширилаётган ишлар СПИДга қарши курашнинг ишончли даражада юқори самара бераётгани, беморларни даволашда жаҳон тиббиёти эришган илғор тажрибадан фойдаланиш катта ёрдам бераётганини қайд қилдилар.

Анжуманда қатнашган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) вакили А. Нироди, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси бошлиғи М. Тайад амалга оширилаётган тадбирлар бутун аҳолининг сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятига эга эканлиги, шу жумладан СПИДга қарши кураш қоникарли натижалар бераётгани ҳақида гапирдилар. Буларнинг барчаси БМТнинг “Минг йиллик ривожланиш” дастурига тўғри келади [1].

2013 йил 23 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг “Одамларга иммунтанқислиги (ОИВ) вируси чакирадиган касалликнинг тарқалишига қарши тадбирлар тўғрисида” Қонуни қабул қилинди. Қонун жойлардаги давлат органларининг касалликни аниқлаш, унинг олдини олиш ва мажбурий даволаш ваколатларини янада оширди.

Жиззах вилоятида СПИД маркази билан бирга 5 та туманлараро лабораториялар ва 12 та ишонч кабинетлари ишлаб турарди. Масалан, Ғаллаорол туманидаги лаборатория компьютер, ”ЛС-Б75Л-1”, ”ГП-80 МО”, ”Palte Sereen” русумли ускуналар, қонни таҳлил

килувчи “XZ-6” аппарати ва бошқа анжомлар билан жиҳозланганди. 2013 йилда лабораторияда 18200 қон намуналари таҳлил қилинди. Ўрта махсус ўқув юртлари, қишлоқлар ва маҳаллалар, ишлаб чиқариш корхоналарида СПИДга қарши кураш мавзусида 240 та суҳбатлар уюштирилди [2].

Навоий вилояти СПИД маркази 1 млрд. 400 млн. сўм эвазига барпо этилган янги бинода жойлашганди. 2013 йилда марказ жиҳозланди ва дори-дармон воситалари билан таъминланди. Бу ерда мурожаат қилаётганларни текшириш ва даволаш билар бир қаторда кенг миқёсда тушунтириш ва маълумот беришга эътибор қаратилганди. Чет эл сафаридан қайтиб келаётган ва турмуш қуришга қарор қилган ҳар бир фуқаро мажбурий текширувлардан ўтказиладиган бўлди. Врачлар ва патронаж ҳамширалар ёшлар ва маҳалла аҳллари билан учрашувларда “ОИВ(ВИЧ) нималигини биласизми?”, “Ўзингни ўзинг ҳимоя қил”, “Саломат бўлай десанг!”, “СПИД ҳақида суҳбатлашамиз” каби мавзуларда тушунтиришлар олиб бордилар [3].

Қорақалпоғистон Республикасида мавжуд “Саломатлик ва тиббий статистика институти” 39 нафар малакали шифокорлар кўмагида 15 та шаҳар ва туманлар аҳолиси орасида СПИДга оид мавзуларда кенг миқёсда тарғибот ва тушунтириш ишлари олиб борди.

Сирдарё вилоят СПИД маркази ҳам янги бинода жойлашган бўлиб, замонавий жиҳозланганди. Беморларнинг қонидаги вирусларни қисқа муддатларда аниқлаш учун “Ридер”, “Вошер” русумли махсус ускуналар, центрофуга ва дистиллятор аппаратлари ишлатиларди. “Текширишлар тезкор-тест, полимер занжир, иммунтанқислиги ва бошқа усулларда амалга оширилади, — деди марказ бош шифокори Баҳодир Раҳимов. — Оила қуришга жазм қилган ёшларнинг қонида ВИЧ-инфекцияси борлиги аниқланса, улар даволаниш учун СПИДга қарши кураш марказларига юборилади” [4].

Хоразм вилоят СПИД маркази фаолияти “Камолот” ёшлар ҳаракати билан ҳамкорликда ташкил қилинганди. Ёшлар орасида чекиш, алкоголизм, наркомания каби иллатларнинг тарқалиш хавфи катта эканлигини ҳисобга олиб, суҳбатлар, форум, акция шаклида тадбирлар уюштириб турилди. “Биз — соғлом ҳаёт тарафдоримиз!” шиори остида СПИД, наркомания, чекиш, анемия, туберкулёз, йод танқислиги каби хавфли касалликлар ҳақида самарали тарғибот ва ташвиқот олиб борилди [5].

2014 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистонда ОИВ(ВИЧ) инфекциясига қарши 454 минг киши текширувдан ўтказилди ва уларнинг 312 нафари вирусга қарши махсус дорилар билан даволанишга юборилди. Инфекциянинг янги туғилаётган чақалоқларга ўтишидан муҳофаза қилиш мақсадида 146 минг ҳомиладор аёллар текширилганда, 60 нафарида хавфли белгилар борлиги аниқланди [6].

2015 йилда Республикага келаётганларнинг 95 фоизи, оила қураётганларнинг 100 % ВИЧ-инфекциясига қарши текширувдан ўтказилди. Шу билан бир қаторда 13 минг нафар беморлар вирусга қарши даволаш муолажаларига жалб қилинди. Амалга оширилаётган изчил тадбирлар натижасида касаллика чалинган ҳомиладор аёллардан 99,8 фоиз соғлом фарзандлар туғилди [7]. Умуман 2015 йилга келиб, 2000 йилга нисбатан ВИЧ-инфекцияларининг перинитал йўл билан оналардан болаларга ўтиши 3,3 марта ва донор қони орқали юқиши 2 марта қисқарди. ВИЧ-инфекциясига чалинган ҳомиладор аёллардан 2000 йилда 6,3 % касал чақалоқ туғилган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 0,2 фоизни ташкил қилди, яъни 18 марта камайди [7].

СПИДга қарши кураш Республика маркази ходимлари ҳудудларда ҳам беморларни фаол аниқлаш ишларига ёрдам бера бошладилар. Марказ шифокорлари Сирдарё вилоятида касалларни аниқлаш ва ёрдам бериш мақсадида ташхис қўйиш лабораториялари ходимларининг малакасини оширишга кўмаклашдилар. “Ишонч хоналари”га мурожаат қилганларга маслаҳатлар ва дори-дармонлар берилди [8].

Мамлакатда амалга оширилаётган изчил тадбирлар натижасида ўта хавфли хисобланган СПИД/ВИЧ инфекциясини профилактика қилиш, аниқланган беморларга тиббий хизмат кўрсатиш, уларни ижтимоий ҳимоя этиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Тўпланган тажриба ва жаҳон тиббиёти эришган натижалар асосида юқумли касалликларнинг олдини олиш ва мамлакатнинг санитар осойишталигини таъминлаш давлат сиёсатининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолаверади.

АДАБИЁТЛАР

1. ВИЧ-инфекцияси ва замонавий ташхислаш // www.uza.uz.
2. Хавфли касалликларга қарши кураш мақсадида // www.uza.uz.
3. Повышаются роль и значение медицинского обследования // www.gov.uz.
4. Соғлом турмуш тарзи — саломатлик гарови // www.uza.uz. 19 декабрь 2013 й.
- 5.. *Шокиров, А.* Соғлом ҳаёт — бахтли ҳаёт // www.uza.uz. 16 сентябрь 2015 й.
6. “Соғлом бола йили” Давлат дастурини бажаришининг 2014 йил 1-чораги якунлари // www.minzdrav.uz
7. Информация о проводимых мероприятиях по противодействию распространения ВИЧ-инфекции // www.medspidnews.uz.
8. Профилактические мероприятия по ВИЧ-инфекции // www.minzdrav.uz. 4 августа 2017 г.


УДК 616.9.

ТАКИМ ОСТИ МУШАГИ ПАЙИ ЭНТЕЗОПАТИЯСИДА АРТРОСКОПИК УСУЛДА ДИАГНОСТИКА ВА ДАВОЛАШ НАТИЖАЛАРИ

Атажанов М.Х., Асилова С.У.

Республиканский онкологический научно-практический центр

Муаммонинг долзарблиги. Тизза бўғими касалликларида ноинвазив ташхислаш усуллари кенг қўлланилишига қарамадан, диагностик хатоликлар сабабли менискэктомия амалиёти ўтказилиши ортопедия амалиётида долзарб муаммолигича қолмоқда. Тизза бўғими биомеханикаси мураккаб структура бўлиб, операциядан кейинги реабилитация даври 18-20 ҳафтани ташкил этади. Кўпгина хорижий манбаларда тизза бўғими турли паталогиялари диагностикасида артроскопиянинг ахамияти тўғрисида маълумотлар келтирилган. Артроскопия кам травматизация орқали бўғим ичи структурасини кўриш, объектив назорат остида биопсия олиш, юқори даражада диагностик аниқлик, реабилитация даврини қисқартириш имконини яратади. Аксарият



оширилди.

муаллифлар текширувлари натижаларига кўра артроскопик менискэктомиядан сўнг 1% операциядан кейинги даврда асоратлар кузатилган.

Текширув мақсади. Тақим ости мушаги пайи энтезопатиясида артроскопик усулда диагностика ва даволашдаги аҳамиятини аниқлаш.

Материаллар ва услублар.

Текширув УзНИИТО Спорт травмаси бўлимида 2013-йилдан 2015-йилгача даволанган беморлар касаллик тарихлари орқали ретроспектив усулда амалга